

ТУРҒУН БИРИКМАЛАРДА “АЁЛ” КОНЦЕПТИНИНГ АКТУАЛЛАШУВИ

Матлуба ШУКУРОВА

мустақил изланувчи

Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

shukurovamatluba@gmail.com

Аннотация

Мақолада турғун бирикмаларда “аёл” концептиниңг актуаллашуви Ўзбекистон халқ шоираси Энаҳон Сиддиқова шеърлари мисолида тадқиқ қилинади.

Таянч сўзлар: лингвокультурология, аёл, қадрият, рамзийлик, турғун бирикма, она, менталитет, ибора.

АКТУАЛИЗАЦИЯ КОНЦЕПТА "ЖЕНЩИНА" В УСТОЙЧИВЫХ СЛОВСОЧЕТАНИЯХ

Матлуба ШУКУРОВА

независимый исследователь

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

shukurovamatluba@gmail.com

Аннотация

В статье исследуется актуализация концепта "женщина" в устойчивых словосочетаниях на примере стихотворений Народной поэтессы Узбекистана Энахан Сиддиковой.

Ключевые слова: лингвокультурология, женщина, ценность, символизм, устойчивое словосочетание, мать, менталитет, самовыражение.

“Лингвокультурология” атамаси дастлаб В.Н.Телия томонидан юритилаётган фразеологик мактаб ишларида, В.А.Маслова, А.Д.Арутюнова, Ю.С.Степанов, В.В.Воробьев, В.Шаклеин каби тадқиқотчиларнинг ишларида, асосан, фразеологизм ва паремаларнинг миллий-маданий табиатини тадқиқ қилишга қаратилган изланишларда пайдо бўлди. Шуниси эътиборлики, лингвокультурология йўналиши шакллангунга қадар ҳам фразеологизм ва паремалар маданий белгиларни акс эттирувчи ўзига хос тил бирликлари сифатида тадқиқотчиларни доимо қизиқтириб келган эди. Тил ва маданият муносабати масаласи талқини миллий-маданий менталитетга оид тасаввурлардан фойдаланиб, лингвистик муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилади.

Маданиятшунос олимлар маданиятни ўрганишга нисбатан қатор ёндашувлар мавжудлигини таъкидлайдилар. Айнан, турғун бирликларни лингвокультурологик жиҳатдан концептуал таҳлил қилишда ана шу аспектларга таяниш яхши самара беради. Уларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз.

Ахборотга асосланган ёндашув. Бунда маданият ахборотни тузиш, сақлаш ва узатиш тизими сифатида намоён бўлади.

Рамзийлик тамойили маданиятда рамзларнинг ишлашига эътибор қаратади. Маданият – бу “рамзлардан иборат олам”дир (Ю.М.Лотман). Алоҳида этник мазмунга эга маданий белгиларнинг айримлари халқларнинг рамзига айланиши мумкин: пахта, дўппи, тандир ўзбеклар учун ва ҳ.к.

Қадриятларга кўра ёндашув. Объектни қадрият сифатида баҳолаш қобилияти инсоннинг қадрият ҳақидаги қарашларига боғлиқ. Айтайлик, *аёл* концептосферасидаги *сингил* тушунчаси ўзбек менталитети учун нозик қадрият ҳисобланади. Ҳатто ота-оналарнинг ўғил фарзандларга бўлган муносабати ҳам уларнинг сингилларини қай даражада қадрлашларига қараб белгиланади. Нақл қилишларича, буғдой пишиғи маҳалида буғдойзор оралаб юришга фақат синглисини йўқлаб бораётган акалар учунгина рухсат берилар экан.

Концептларни тадқиқ қилиш тил ташувчиларининг муайян маданий этногуруҳга мансублиги, тил бирликларининг универсал ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш имконини беради. "Аёл" концепти миллий менталитетнинг асосий белгиларини ўзида акс эттирувчи тушунчалардан бири сифатида турғун бирикмаларда ҳам ўз ифодасини топиши табиийдир.

Шу даврга қадар ўзбек тилшунослигида турғун бирикмалар тушунчаси остида тизимлаштириш мумкин бўлган паремиологик бирликлар, фразеологизмлар, турғун ўхшатишлар, тасвирий ифодаларга алоҳида-алоҳида ҳодиса сифатида қаралар эди. Сўнгги йилларда улар нутққа тайёр ҳолда олиб кириладиган моҳиятан бир-бирига яқин лисоний бирликлар сифатида *турғун бирикмалар, барқарор бирикмалар* каби атамалар остида ўрганила бошлади.

Сўзларнинг турғун бирикмаси нутқнинг ўзида тузилмай, тилда бир бутун ҳолда мавжуд бўлиб, нутққа яхлитлигича киритиладиган бирликлар [14;296].

Турғун бирикмалар. “Икки ва ундан ортиқ сўзларнинг ўзаро барқарор муносабатидан ташкил топган, нутқ жараёнига тайёр ҳолда олиб кирилувчи, тил эгалари хотирасида имконият сифатида мавжуд бўлган тил бирликлари барқарор бирикмалар дейилади” [8;340]. Иборалар, мақол-маталлар ва ҳикматли сўзлар барқарор бирикмалар ҳисобланади.[4;11]. С.Э.Шодиев таркибли терминларни ҳам турғун бирикмалар қаторига киритиш тарафдори. Фақат бу ўринда яна маъно мажозийлиги, образлилик, тилда тайёр ҳолда мавжудлик каби масалаларга мурожаат этишга тўғри келади [11;71–75].

Профессор А.Маматов эса “Таркибли атамалар, таркибли ономастик бирликлар, мураккаб терминлар ва парафразалар, соф турғун бирикмалар, идиоматик бирикмаларни фразеологик иборалардан фарқлаш ва уларнинг семантик-синтактик деривациясини илмий асослаш зарур”, деб ҳисоблайди [5].

Муайян этник қатлам ҳаётининг ўзига хос турмуш тарзи, дунёқараши, тарихий-маданий тажрибаси ва тил имкониятларининг бой захирасини ўзида жамлаган турғун бирикмалар халқ донишмандлигининг ментал ифодалари бўлиб, узоқ йиллар давомида шаклланади ва нутқда тайёр ҳолда қўлланади. Ижодкорлар ўз фикрини лўнда ва ихчам ифодалаш, воқеа ва ҳодисаларни, инсон руҳий ҳолатини қабариқ шаклда тасвирлаш мақсадида тилдаги мақол, матал, турғун ўхшатиш ва ибораларни фаол қўллайдилар. Бундай тил бирликларидан фойдаланишнинг қулайлиги шундаки, уларнинг семантик доираси ҳар бир нутқий вазият учун мувофиқлашиш имкониятига эга бўлиб, ижодкорлар ўз бадиий тафаккури орқали уларнинг янги маъно қирраларини, бошқаларига ўхшамайдиган жозибадор талқинини кашф этишга интиладилар. Эътиборли жиҳати шундаки, турғун бирикмалардан фойдаланишда ҳар бир ижодкор индивидуал ёндашади ва шу тариқа, тилнинг луғат бойлигига янги ифодалар қўшила боради.

Турғун ўхшатишларнинг моҳияти шундан иборатки, уларда ўхшатиш эталонида ифодаланган образ барқарорлашган бўлади, бундай ўхшатишлар, гарчи муайян шахс ёки ижодкор томонидан қўлланган бўлса-да, вақт ўтиши билан тил жамоасида урфга кириб, доимий ифодалар сифатида турғунлашган, умумхалқ тили лексиконидан жой олиб улгурган бўлади. Бундай ўхшатишлар худди тилдаги тайёр бирликлар каби нутққа олиб кирилади [6;240].

Д.Худайберганаева ва Н.Маҳмудовларнинг “Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати”да берилган “аёл” концептосфераси доирасидаги турғун ўхшатишларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1) аёлнинг ташқи кўринишини тавсифловчи ўхшатишлар: *анордай юз, гулдай чиройли, кулчадай юзли, маликадай чиройли, попукдай чиройли, ёғочдай беўхшов, калтакесакдай совуқ, коптокдай юмалоқ, коптокдай хўппа семиз, косовдай беўхшов, косовдай озгин;*

2) аёлнинг характери, феъл-атворини тавсифловчи ўхшатишлар: *боладай содда, ишонувчан, гўдакдай безубор, гўдакдай ёқимтой, ипакдай мулойим, итдай вафодор, латтадай бўш, метиндай иродали, мусичадай беозор;*

3) аёлга хос бирор белги, хусусиятни тавсифловчи ўхшатишлар: *гилосдай лаб, дурдай тишлар, ёқутдай лаб, зулукдай қоп-кора сочлар, камондай қошлар, кумушдай жарангдор овоз (ёш қиз-жувонларга нисбатан), кумушдай оппоқ сочли (катта ёшдаги аёлларга нисбатан), маликалардай бахтли, попукдай қош-кўзлар;*

4) аёлнинг хатти-ҳаракатларини тавсифловчи ўхшатишлар: *атласдай товланмоқ, зулукдай ёпишиб олмоқ, канадай ёпишиб олмоқ (муносабатларга нисбатан), илондай заҳарли, илондай аврамоқ, итдай ишламоқ, итдай сарсон бўлмоқ, итдай чарчамоқ, камалакдай товланиб, камалакдай эгилиб, капалакдай енгил ҳаракат қилмоқ, фариштадай енгил ҳаракат қилмоқ, келинчақдай ясанмоқ, келинчақдай нозланмоқ, кийикдай чаққон, оҳудай*

хуркак, коптокдай сакрамоқ, лавлагидай қизармоқ, латтадай шалвирамоқ, лоладай қизармоқ;

5) аёлга муносабатни ифодаловчи ўхшатишлар: *жондай азиз, жондай ардоқли, кўз қорачигидай асрамоқ, онадай азиз, онадай меҳрибон;*

6) аёлларга хос нарса-буюмлар асосидаги ўхшатишлар: *ангишвонадай кичкина, она сутидай ҳалол.*

Таснифдан кўриниб турибдики, ўзбек менталитетида аёлга нисбатан муносабатни белгилашда унинг феъл-атвори, ички гўзаллиги ва хатти-ҳаракатлари муҳим аҳамиятга эга.

Ибора. “Биттадан ортиқ лексик негиздан таркиб топган, тузилиши жихатидан бирикмага, гапга тенг, мазмунан сўзга эквивалент, яхлитлигича устама кўчма маъно англатувчи луғавий бирликка ибора (фразеологик бирлик) дейилади.”[10;3] Ўзбек тилшунослигида Ш.Раҳматуллаев, Ҳ.Бердиёров, Б.Йўлдошев, С.Акобиров, А.Маматов, Б.Хўжахонов, Э.Умаров, В.Х.Қодиров, А.М.Бушуй, М.И.Умархўжаев, Д.Абдуллаев каби олимлар фразеологизмларни ўрганиш ва тизимлаштиришга катта ҳисса қўшганлар.

Фразеологик коннотация этник, маданий-тарихий ва миллий-лингвистик характердаги айланманинг этимологик келиб чиқиши ҳақида турли маълумотларни ўз ичига олади. Маънонинг коннотатив микрокомпоненти коммуникаторларни ҳиссий ҳолати, ақл-заковати, ижтимоий мавқеи, коммуникативлиги нуқтаи назаридан тавсифлайди. Фразеологик коннотацияни бундай тушуниш уни дискурсив идиоманинг прагматик маъноси (таъсири) асоси деб ҳисоблаш имконини беради. Дискурсив идиомаларнинг прагматик маъно таркибида экспрессив, чақирувчи (апеллатив), фатик ва эстетик компонентларни ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Халқ менталитети, маданияти ҳақидаги бой маълумотларни тақдим этишда тилнинг фразеологик таркиби ҳар жихатдан муҳим манба ҳисобланади. Уларда мифологик тасаввурлар, урф-одатлар, расм-русум ва маросимлар, диний-маънавий қадриятлар ҳақидаги қарашлар ўзгармай

сақланган бўлади. Шунинг учун ҳам бадиий матнларда халқ руҳиятини миллийлигини қабарик ҳолда ифодаловчи услубий воситалардан бири сифатида фаол қўлланади.

Фразеологик бирликларнинг семантик деривациясини таъминловчи омилларни ўрганиш, ёзувчи ва шоирларнинг уларнинг стилистик имкониятларидан қай даражада фойдалана олишлари нуқтаи назаридан ҳозирги кунга қадар Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Ҳамид Олимжон, Ойдин, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Мақсуд Шайхзода, Шухрат, Саид Аҳмад ва бошқаларнинг асарларида қўлланилган фраземалар маълум даражада тадқиқот объекти бўлган [3;11].

Фразеологизмларнинг миллий-маданий хусусиятлари уларнинг бошқа тил бирликларига нисбатан етакчи белгиси эканлиги доим эътироф этилади: "Албатта, тилдаги ҳар қандай бирлик у ёки бу даражада миллий-маданий ўзига хосликларни намоён этади. Аммо шундай тил бирликлари борки, улар миллий-маданий **инжаликлар**нинг бениҳоя бетакрор тимсолидир. Шу маънода фразеологизмлар миллат менталитети, маданияти, турмуш тарзи ҳамда узоқ йиллик кузатувларининг қабарик ифодасидир» [9;240].

Ўзбек тилидаги фразеологик бирликлар орасида "аёл" концепти доирасидаги тил бирликлари билан боғлиқ фраземалар у қадар кўп эмаслиги кузатилди:

аммамнинг бузоғи – ландовур, лапашанг;

онасини Учқўрғондан кўрсатмоқ (вариантлари – *энасини Учқўрғондан кўрсатмоқ*, *ачасини Учқўрғондан кўрсатмоқ*) – дўқ қилиш, кўрқитишни ифодалайди ("кўрсатиб қўяман" маъносида);

она сути оғзига келди – ҳаддан ташқари қийналиб кетди;

она сути оғзида (варианти – *она сути оғзидан кетмаган*) – салбий маънода ҳали ёш, тажрибасиз;

бўйи етган (варианти – *балогатга етган (қиз)* – ёши оила қуриш даражасига борган;

кўзи ёримоқ – туғмоқ;

калаванинг учини топмоқ (касб-кор нуқтаи назаридан аёл концепти доирасига киритиш мумкин) – жумбоқни ҳал қилиш йўлини топмоқ.

Бироқ, шуни айтиб ўтиш жоизки, *сабр косаси тўлди, юраги увушди, ичи ачиди, ёғ тушса ялагудай (тозаламоқ, тоза тутмоқ) бағри кенг, юзи ёришди, истараси иссиқ, юзидан нур ёғилади* каби жуда кўп ибораларнинг концептуал мазмунини ташкил этувчи хусусиятлар “аёл” концепти структурасининг турли даражадаги элементларини, энг муҳими, ўзбек тилида сўзлашувчилар учун маълум ва тушунарли бўлган ифодаларни бера олади, маълум бир нутқий вазият билан, контекст билан боғлиқ ҳолатларни ифодалай олади.

Шеърый матнлар бўйича “аёл” концепти структурасида учта микроконцепт аниқланди: “аёлнинг ташқи хусусиятлари” , “аёлнинг ички хусусиятлари”, “ижтимоий инсоний хусусиятлар”.

Жамиятда шаклланган аёл ҳақидаги ғоялар: аёл уй хўжалигини бошқариши керак, аёл оила учун яратилган, аёл ҳаётининг асосий мақсади – болалар туғилиши, таълим ва касбий фаолиятда ўзини ўзи англаши, покизаликка интилиши, атрофидагиларга меҳрибонлиги, эркакка итоаткорлиги, салбий ҳолатларда эса аёл – жанжалкаш, аёл – қасоскор, аёл – ўзбилармон, ёлғизлик, кексалик, кампир бўлиш оғриқли.

“Ташқи кўриниш” жиҳатининг таҳлили шуни кўрсатадики, “гўзаллик” белгиси юқори номинал зичлиги билан ажралиб туради, аёл қиёфасини тасвирлашда фразеологик бирлик семантикаси ташқи гўзаллик билан боғланиши мумкинлиги муҳим аҳамиятга эга.

Фразеологик бирликларда ички гўзаллик, руҳий ҳолат, чиройли ва дид билан кийиниш, фаҳм-фаросатли бўлиш қобилияти кабилар ижобий баҳоли коннотатив маъноларни ўз ичига олади. Аёлнинг ташқи кўринишини тавсифловчи салбий баҳоловчи (*турқи совуқ, истараси совуқ, шарти кетиб, парти қолган, эти устихонига ёпишган, қовоғидан қор ёғади, юзидан заҳар томади*) концептуал тушунчаларни объективлаштириш “гўзаллик йўқлиги”, “аёллик латофати етишмаслиги”, “жозибаси йўқлиги” каби белгиларни юзага

чиқарувчи фразеологик бирликлар идеалга қарама-қарши фикрларни ифодалайди.

Аёл, аввало, она сифатида бутун умрини фарзандига бахшида этиши, боласи учун ҳар қандай синовларга бардош бериши ва уларни ҳаётининг мазмуни деб билиши етакчи мотивацион тамойиллар эканлиги барчага маълум. Ижодкорларнинг, айнан, ана шу жиҳатларга урғу беришда фразеологик бирликлардан фойдаланиш маҳорати қўл келади. Шу нуқтаи назардан, *(дардини) ичга ютмоқ*, иборалари онанинг фарзанд учун ўзлигидан кечиши, фидойилигини ифодаласа, *оро йўлда қолмоқ* ибораси оналик изтиобларини кабарик ҳолда акс эттиради.

У бир дарахт, қайғу, мунглари,
Кўз ёшлари ичига оққан.
Ичга ютиб оғрик, унларин
Болаларин жонида боққан. (Э.Сиддиқова)

Биламан бу ўқ кўп илдизлаб кетган,
Ичимга ютаман ингроқларимни.
Бизни омон қўймас қиёматда ҳам.
Юлиб отманг митти байроқларимни! (Э. Сиддиқова)

Ажралиш осонми, наҳот шунчалик,
Мен ўзим... кўнглимни ўйлаганим йўқ.
Оро йўлда қолсам, топилар балки,
Совиган юрагим ёқмоққа бир чўғ. (Э. Сиддиқова)

Мақол ва маталлар. Ҳ.Бердиёров, Р.Расуловларнинг таъкидлашича, тилшуносликда мақол-матал ва ҳикматли сўзлар “паремалар” деб ҳам юритилади. Паремалар мантиқий фикрлашнинг маҳсули бўлиши жиҳатидан умуминсоний ҳодиса бўлса ҳам, ҳар бир халқнинг ўзига хос яшаш шароити,

тарихий ривожланиши, дунёқараши билан боғлиқ ҳолда юзага келган бу мантикий хулосаларнинг ифодаси бўлмиш паремалар мазмуни, интонацияси, тузилиши, ифодаланиши жиҳатидан миллий хусусиятга ҳам эга бўлади [1;11].

Матал. [арабча] тугал маъно ифодаламайдиган образли ибора, ҳикматли сўз (мас, қизил қор ёққанда, туянинг думи ерга текканда) (ЎТИЛ, 3-жилд, 555-б.)

Мақол. [арабча – мақола, нутқ, кичик асар; сўз, нутқ] Ҳаётий тажриба асосида халқ томонидан яратилган, одатда, панд-насихат мазмунига эга бўлган ихчам, образли, тугал маъноли ва ҳикматли ибора, гап (ЎТИЛ, 3-жилд, 569-б.). Шуниси қизиқки, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”даги мана шу икки изоҳ мақол ва матал борасидаги чалкашликларни анчайин бартараф этиб, тўғри тавсифланган бўлишига қарамай, луғат ва тўпламларда уларни аралаштириб юбориш ҳали-ҳамон учраб келмоқда. Масалан, *ziyouz.uz* сайтида маълум бир мақоллар берилган. Лекин *Бир қарға билан қиш келмас, Кўпнинг дуоси кўл бўлур, Кўпнинг ризқи кўл, Бог жамоли богбондан, Тўн кийганники, от минганники* каби маталларнинг мақоллар билан бир қаторда берилиши, бизнингча, ўринли эмас. Зеро юқорида таъкидланганидек, мақол панд-насихат мазмунига эга бўлиши керак. Масалан, *Бир қарға билан қиш келмас* паремаси орқали тугал фикр ифодаланаётган бўлса-да, бу ҳолат, вазият ҳақидаги фикр бўлиб, контекстда кўчма маънода қўлланади. М.Қосимова мақол ва маталларнинг фарқланмаслик ҳолатини қуйидагича изоҳлайди: “...кўп ўринларда мақолнинг ихчам, образли ва ҳикматли ибора эканлиги эътироф этилади-ю, унда панд-насихат, ҳаётий қонун-қоида мазмуни ҳам борлиги эътибордан четда қолдирилади. Бизнингча, мақол ва матал муносабатидаги чалкашликлар ҳам, асосан, шундан келиб чиқади. Айтайлик, «Отанга сўйилган кал улоқ – сенга-да бўлади шул улоқ» паремасида фикр бор, образлилик бор, ҳикмат бор, лекин панд-насихат, қонун-қоида мазмуни тўғридан-тўғри акс этмаган. Демак, шунга асосланиб, бемалол, бу бирликни матал деб айтиш мумкин. Негаки, унинг кўчма

маъноси орқали ифодаланган мажозий фикр матн орқали юзага чиқади” [12;73].

“Ўзбекистон номоддий маданий мероси” сайтида берилган куйидаги фикрлар ҳам фикримизни тасдиқлайди: “...мақоллар нутқда яхлит ҳукм сифатида қўлланилса, маталлар ҳукмнинг қисми функциясини бажаради; мақолларнинг тематик доираси кенг бўлса, маталлар конкрет темага ва катъий функционал қўлланилишга эга; ...мақоллар баъзан кўчма, баъзан ўз маъносида қўлланса, маталлар ҳамма вақт кўчма маъно ташиydi” [14].

Одатда, паремиологик бирликларнинг ҳаммаси ҳам лингвокультурология предмети бўлмаслиги мумкин. Бироқ, аксарият мақол ва маталлар бирор халқнинг тарихи, маданияти, турмуши, маънавияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиши билан характерлидир. Дарҳақиқат, мақол ва маталларнинг аксар қисми миллий онг стереотипи ҳисобланади.

Ziyouz.uz сайтида “Оила ва қўшничилик ҳақида мақоллар” рукнида берилган 255 та мақол ва маталдан 160 таси бевосита “*аёл*” концепти периферияси билан боғлиқлиги тадқиқ этилаётган концептосфера вербализаторларининг ўзбек миллий-маданий менталитети ва миллий лисоний онгида қанчалик муҳим аҳамиятга молик эканлигини кўрсатади. Уларнинг айримларини келтириб ўтамыз.

1. Аёлнинг сариштаси –

Рўзғорнинг фариштаси.

2. Бир қизга етти қўшни – ота-она.

3. Келин билан қайнона – ўт билан сув.

4. Келин бўйини яширар,

Товушини товдан оширар.

5. Келин бўлдим – қайнонамга ёқмадим,

Қайнона бўлдим – келинимга ёқмадим.

6. Қизига жони ачиган келинини сақлар

7. Қизим сенга айтаман,

Келиним сен эшит.

Турғун бирикмалар, хусусан, мақол ва маталларнинг коннотатив маънода қўлланилиши шеърӣ нутқда образлиликни ошириб, тил бирликларининг маъно қирраларини очишга, ифодаланаётган воқелик ёки кечинмаларни ихчам ва ёрқин акс эттиришга хизмат қилади. Лингвопоэтик таҳлилда тил воситаларининг поэтик актуаллашувини аниқлаш муҳим тамойиллардан бири ҳисобланар экан, “аёл” концептосферасидаги тушунчаларнинг бадий талқинида шеърӣ мисраларда қўлланган турғун бирикмаларнинг қандай мазмун аңлатишга қаратилганини таҳлил қилиш ўринлидир.

Халқ оғзаки ижоди Энахон Сиддиқовага битмас-туганмас илҳом манбаи, кайнар булоқ бўлиб хизмат қилган эди, десак муболаға бўлмайди. Зеро, “Фольклор ёзувчи онги ва тушунчаси, хотирасига фақат бевосита ижодий ўзлаштирадиган бадий материалгина бўлиб қолмай, айнаи чоғда ёзувчининг тасаввурини кўзғовчи, унга туртки берувчи бой ассоциациялар туғдирувчи, тасвирланувчи воқеликни тўла ва ўз бўёғида бера олувчи мураккаб таассуротлар туғдирувчи кучли бадий хазина” [7;110] сифатида шоир истеъдоди ва синчковлигига вобаста, унинг кундалик воқеалардан характерли умумлашмалар яратишига олиб келди. Мумтоз адабиётимизда “Ирсоли масал”, яъни бадий асарда мақол, матал қўллаш санъати мавжуд, бу усул ижодкор фикрини тасдиқлашга, таъсир кучини янада оширишга хизмат қилади.

“Она ҳақида қўшиқ” достонига халқ мақолу ҳикматлари, маталлари ўзгача ҳусн ва маъно бағишлаган. Энахон Сиддиқова мақол ва маталлардан, ҳикматли сўзлардан фойдаланиш жараёнида уларга ижодий ёндашади, кўп ўринларда уларга янгича маъно ва жило бахш этади. Натижада, асарнинг эстетик қуввати ошади, таъсирчанлик майдони кенгаяди. Достонда ибора ва мақолларни грамматик жиҳатдан ўзгартириб қўллаш ҳолатлари ҳам учрайди. *Бўлмаганни бўлдириб, Дўппи тикарлар онам (21-б.).* (Бўлмаганни бўлдирма); *Онали етимни, оҳ, Гул етим дерлар болам, Отали етимга-ё, очикдир гўрлар, болам* (Онали етим – гул етим, Отали етим – шум етим). *Меҳнатдан ўлмас одам, Хўрлик ўлдирар, болам (29-б.).* Мардни меҳнат енголмас; *Олти милён*

дур териб, Тўлмади ҳеч косаси (Сабр косаси тўлди). Зор ўтди кафанликка, Оқармади ёқаси (Косаси оқармади) (36-б.). Йўқ шафиқу меҳрибон Дунё кўзга тор учун (53-б.). (Дунё кўзига тор кўринди).

Бу каби мақол ва маталларнинг ўз ўрнида қўлланилиши, аввало, дoston тилини жонли сўзлашув нутқиға яқинлаштиради ҳамда китобхон тасаввурида она руҳий дунёсининг янада ёрқинроқ акс этишида муҳим омил ҳисобланади. Бинобарин, “...она тилимиз, тарихимиз, маданиятимиз муносиб ўрнини топаётган бир даврда ўзбекман деган ҳар бир инсон ўз юрти кечмишини ва ҳозирини мукаммал билмоғи, ўз она тилининг заргари бўлмоғи лозим. Мақол эса сўз кўркиғина эмас, дилнинг ҳам, умрнинг ҳам кўркидир” [2;4].

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бердиёров Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – 210 б.
2. Воҳидов Э. Ўз қадрини билган сўз қадрини билади. Маънолар маҳзани: Сўзбоши. – Тошкент, 2018. – 460 б.
3. Йўлдошев Б. Мустақиллик йилларида ўзбек фразеологияси: эришилган ютуқлар ва навбатдаги вазифалар //Хорижий филология. 2017. – №1.– Б.11.
4. Йўлдошев М. Бадиий матннинг лисоний таҳлили. – Тошкент, 2007. – 140 б.
5. Маматов А. Фразеологик бирликлар ва турғун бирикмалар деривацияси тадқиқи // <https://3270-Текст-статьи-8043-1-10-20211030>.
6. Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли миллий тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013. – 240 б.
7. Мўминов. Ғ. Изланишларимдан қатралар. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2006. – 230 б.
8. Нурмонов А., Собиров А., Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. (Академик лицейларнинг 2-босқич талабалари учун дарслик). – Тошкент: Шарқ, 2002. –340 б.

9. Одилов Ё. Сўз маъно тараққиётида зиддият. Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли луғати (хаммуаллифликда). Монография ва луғат. – Тошкент: Akademnashr, 2014. – 240 б.
10. Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. – Тошкент: Фан, 1970. – 210 б.
11. Шодиев С.Э. Турғун сўз бирикмалари, терминлар, таркибли терминлар борасида айрим мулоҳазалар // Хорижий филология, 2020. – №4. – Б.132.
12. Қосимова М. Бадий нутқ индивидуаллигининг лингвистик хусусиятлари (Тоғай Мурод асарлари асосида). – Тошкент, 2007. – 140 б.
13. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – 296-б.
14. <http://ich.uz/uz/ich-of-uzbekistan/national-list/domain-1/260-proverbs-sayings>.